Узбек давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УзССР
12 09 94

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

26 август, жума, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 168 (916)

Тарих қатларида ёндинг истиқлол, Сен энди қалбларни макон қилиб қол !

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон раҳбари Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатлари иккала мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

— Икки томонлама алоқалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро мулоқотларимиз яхши анъанага айланиб қолди, — деди Ислом Каримов. — Бу учрашувлар муҳим масалаларни ўз вақтида, тезкорлик билан ҳал этиш имконини бермоқда. Россия билан Ўзбекистон ўртасида бирталай ҳужжатлар имзоланган. Давлатлараро муносабатлар ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги декларация, иқтисодий интеграция ҳақидаги шартнома ва бошқа битимлар бунга мисол бўла олади. Улар ҳозирча тўла амалга тадбиқ этилгани йўқ. Бу йўналишда анчагина ишлар қилиниши керак. Шартномаларда кўзда тутилган иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Андрей Козирев самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ва Россия ўртасида яхши ҳамкорлик анъаналари мавжудлигини қайд этди. Ўзбекистон Президентининг икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади.

Мулоқот чоғида икки томон учун ҳам манфаатли бўлган масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Суҳбатда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини республика мустақиллиги эълон қилинганлигининг уч йиллиги муносабати билан чин дилдан табриклайман. Ўзбекистон ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, давлатчиликни ва мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай бораяпти. Қардош ўзбек халқига бу йўлда муваффақият ва равнақ тилайман.

Россия билан Ўзбекистонни халқларимиз ўртасидаги чуқур тарихий ва маданий алоқаларга асосланган, мустаҳкам ва жадал ривожланаётган ҳамкорлик ҳамда дўстлик муносабатлари боғлаб турибди. Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, уларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги биргаликдаги ҳаракати халқларимиз бахт-саодати йўлида янги истиқболлар очишига ишончим комил.

Б. ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ДИПЛОМАТИК АЛОҚА ЎРНАТИЛДИ

Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг халқаро шериклари яна биттага кўпайди. 23 август куни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон ва Молдова республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Икки суверен давлат — Ўзбекистон билан Молдовани бирбирига янада яқинлаштирувчи бу муҳим тарихий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси номидан мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги муваққат ишлар вакили Насирулло Миркурбонов ва Молдова Республикаси номидан шу давлатнинг муваққат ишлар вакили Валериу Пасат имзоладилар.

Ф. ПАРПИЕВ
(ЎзА).

БМТ ВАКИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг республикамизда меҳмон бўлиб турган Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатлари департаменти директори Антон Круидеринк 25 август куни Бош вазир ўринбосари Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошираётган, бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистонга ҳамкорлик асосида техникавий ёрдам кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

Ў. Султонов қадимий ва теран тарихи, маданияти, бойлиги ва имкониятлари билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини тобора ўзига жалб этаётган, дунёга танилаётган юртимизнинг хорижий мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди.

Суҳбатда иқтисодий ислоҳот ва ижтимоий тараққиёт, атроф-муҳит муҳофазаси ва Оролбўйи минтақасидаги вазиятни яхшилаш борасида фикрлашиб олинди.

А. Круидеринк Молия вазирлиги, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси, давлат мулкини хусусийлаштириш қўмиталарида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ПАХТА ТОЛАСИ РЕСУРСЛАРИДАН КОМПЛЕКС ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд қиладики, республиканинг бир қатор ҳудудларида пахтани қайта ишлаш корхоналари зарур даражада техник-иқтисодий асослашларсиз, пахта толасини пухта қайта ишлашга, илғор технологияларни қўлланишга; республиканинг экспорт потенциалини оширишга йўналтирилган қурилишларнинг комплекслилигини таъминламасдан барпо этилмоқда. Умуман республика бўйича пахта толаси балансини зарурий ҳисобга олишга риоя қилинмаяпти. Бу кўп жиҳатдан кўрсатиб ўтилган масалаларни ишлаб чиқишга масъул бўлган бош ташкилотнинг йўқлиги билан боғлиқдир.

Оқибат натижада бу республиканинг энг муҳим бойлиги бўлган пахта толасидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Пахта толасидан фойдаланишда зарурий мувофиқлаштиришни ва балансланганликни таъминлаш, уни қайта ишлашнинг комплекслилигини ва пухталигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Пахтани қайта ишлаш саноатида ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш, пахта толасини қайта ишлашнинг комплекслилигини ва пухталигини таъминлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш, шунингдек, пахтани қайта ишлаш корхоналари қурилиши лойиҳаларини мустақил экспертизадан ўтказишни амалга ошириш бўйича бош ташкилот вазифаси "Ўзмашсаноат" уюшмасининг "Ўзенгсанлойиҳа" лойиҳалаш институти (4-дли)га юклансин.

"Ўзенгсанлойиҳа" лойиҳалаш институти (4-дли)га, барпо этилаётган корхонанинг мулкчилик шаклидан ёки қайси идорага қарашли эканлигидан, шунингдек, маблағ билан таъминланиш манбаларидан қатъий назар, пахтани қайта ишлаш корхоналарини қуриш, қайта қуриш, техника билан қайта жиҳозлаш масалалари бўйича комплекс хулосаларни уларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш ва беришни амалга ошириш юклансин.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Ю. Ф. Пайгин, Б. С. Ҳамидов ўртоқлар "Ўзенгсанлойиҳа" лойиҳалаш институти (4-дли) тузилмасида тегишли бўлинмаларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этсинлар.

2. Пахта толасидан фойдаланиш балансларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш бўйича махсус комиссия тузилсин.

Комиссияга қуйидагилар юклансин:

Пахта толасини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, шу жумладан, МДҲ мамлакатларига ҳамда экспортга чиқариш балансларини ишлаб чиқиш;

Пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини жойлаштириш масалаларини кўриб чиқиш, шунингдек, бош ташкилот — "Ўзенгсанлойиҳа" лойиҳалаш институти (4-дли) хулосалари асосида рухсатномалар бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини қуриш фақат кўрсатиб ўтилган комиссия рухсати билан амалга оширилади;

Пахта толасини қайта ишлаш объектларини қуриш ва қайта қуришни банклар томонидан маблағ билан таъминлаш юқорида қайд этилган комиссиянинг рухсатномаси ҳамда объектни қуришнинг (қайта қуриш ёки техника билан қайта жиҳозлашнинг) техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бош ташкилот — "Ўзенгсанлойиҳа" (4-дли) томонидан бериладиган хулоса мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Белгиланган тартиб бузилган тақдирда лойиҳалаш, қуриш бўйича барча харажатлар, шунингдек, тузилган шартномалар бўйича жарима санкциялари шахсан мазкур корхоналарни қуриш тўғрисида қарор қабул қилган шахслардан ундириб олинсин.

4. "Ўзенгсанлойиҳа" лойиҳалаш институти (4-дли) манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда, хомашёдан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларини самарали банд этиш, республиканинг экспорт потенциалини ошириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, республикада пахтани пухта қайта ишлашнинг бутун технологик циклини қамраб олувчи корхоналарни жойлаштириш, лойиҳалаш ва қуриш ишларини ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. М. Муталов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. М. Мустафоев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги бекиёс хизматлари учун мукофотлансин:

"МУСТАҚИЛЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) — халқ ёзувчиси (марҳум)

2. Фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун мукофотлансин:

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Алиев Абдурасул — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги қирғиз миллий маданият маркази раҳбари

Афанасьева Ираида Дмитриевна — Самарқанд шаҳридаги 45-мактаб директори

Аҳмедов Бўри — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бош илмий ходими, Тошкент шаҳри

Аширбеков Уббиниёз — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси

Ашурова Мастурахон — Тошлоқ тумани Б. Шерматов номидаги жамоа хўжалиги бригадири, Фарғона вилояти

Аюпов Солиҳ Аюпович — Яккасарой туманидаги "Яккасарой-2" маҳалла йиғини оқсоқоли, Тошкент шаҳри

Орипов Тўхта Одинович — "Ўзшаҳарқурилиш" ишлаб чиқариш бирлашмаси Қарши уйсозлик комбинати бригадири, Қашқадарё вилояти

Бўронов Сулаймон — "Муборакгаз" газ қазиб чиқариш бошқармаси "Кўкдумалоқ" кони бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Байрамова Зийнат Болтабоевна — Қўшкўпир тумани О. Қурбонов номидаги жамоа хўжалиги сут соғувчиси, Хоразм вилояти

Воҳидов Эркин Воҳидович — халқ шоири

Жўраев Хурсанд — 1-қурилиш-монтаж трести 253-механизациялашган кўчма колонна сувоқчиси, Сурхондарё вилояти

Деҳқонов Олимжон — Вилоят сув хўжалиги бирлашмасининг етакчи муҳандиси, Фарғона вилояти

Екель Теодор Давидович — "Видергербург" немис миллий маданияти маркази раиси, Тошкент шаҳри

Ёқубов Одил — халқ ёзувчиси

Жалолов Абдураҳмон — Ромитан Тумани Рудакий номидаги 24-мактаб директори, Бухоро вилояти

Исроилова Зулфия — халқ шоири

Қайипбергенов Тўлепберген — халқ ёзувчиси

Камолова Ойим — Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси

Қорибоев Кенжа — Томди тумани "Томди" жамоа хўжалигининг "Жингилди" 2-фермасининг катта чўпони, Навоий вилояти

Каримова Турсуной Раҳматуллаевна — Андижон вилоят Фахрийлар кенгаши раиси

Кучерский Николай Иванович — Навоий кон-металлургия комбинати директори

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги

Муҳаммаджонов Зокир — халқ артисти

Муҳаммадиева Норой — Бахмал туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Орипов Абдулла — халқ шоири

Пак Виктор Тарасович — Ўрта чирчиқ тумани Ким Пен Хва номидаги халқ корпорациясининг вице-президенти, Тошкент вилояти

Рапигалиев Бургутали — Наманган вилояти ҳокими

Раҳматуллаева Ҳамида Рихситиллаевна — Тошкент тўқимачилик комбинатининг назоратчиси, Тошкент шаҳри

Сафиулина Роза Юнисовна — "Тошкенткурилиш" давлат-акционерлик қурилиш корпорацияси "Тошмахсуспардозқурилиш" трестининг 76-қурилиш бошқармаси бригадири

Сигедин Виталий Николаевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори, Тошкент вилояти

Фармонов Тўхта — "Ўзбекнефтгазгеология" давлат геология корхонаси Косон нефть-газ қидирув экспедициясининг бурғилаш устаси, Қашқадарё вилояти

Фозилов Ҳосил Фозилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Тошкент техника университети профессори

Шоносиров Шоанвар Шоакбарович — "Тошкенткурилиш" давлат-акционерлик қурилиш корпорацияси 12-трестининг 50-қурилиш бошқармаси бригадири

Шубин Иван Семёнович — В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

Юлчураев Уммат Акчураевич — Гулистон шаҳридаги 25-автопарк ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

Юсупов Шукурулло — халқ шоири

3. Ҳарбий бурчини бажариш, республикада миллий ҳавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш чоғида жасурлик ва матонат кўрсатганлиги учун мукофотлансин:

"ЖАСОРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураҳмонов Шоймардон Қудратович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси

Омонқулов Оролбой Тошаевич — Тошкент шаҳар Сиргали тумани ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими оператив вакили

Аҳмедов Моҳиржон Хомидович — Наманган вилоят Совет тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими бошлиғи

Аҳметов Сейдулла — Бухоро вилоят суди аъзоси

Бобоёров Ғулом — Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари

Брагинский Владимир Семёнович — Мудофаа вазирлиги артиллерия қўшилмаси командири

Ғофуров Комил (марҳум) — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

Ғуломов Абдусамат Ваҳобович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жамоат тартиби хизмати профилактика бўлими катта инспектори

Жуманов Марат Купаевич (марҳум) — Мудофаа вазирлиги мото-ўқчи қўшилмаси командирининг ўринбосари

Дўсмуродов Қувон Алиевич — Қизирик туман судининг раиси, Сурхондарё вилояти

Жалолов Рашид Хурсанович — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командирининг ўринбосари

Золотарев Сергей Кондратьевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлинмаси бошлиғи

Золотих Валерий Иванович — Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командири

Иброҳимов Жабборбек Тожиевич (марҳум) — Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими маҳкамадан ташқари сақчилик бўлими ҳайдовчи милиционери

Ирисов Баҳодир Саҳодиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати ходими

Қодиров Алишер Исмоилович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув бўлими катта оператив вакили

Хўжаназаров Алланиёз Султонмуродович — Хўжайли туман суди раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мавлонов Рашид Мажитович — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармасининг бўлим бошлиғи

Мадаминов Маъмур Маҳмудович — Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати ходими

Мадаминов Сайдулла Абдуқуддусович — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командири

Маккамбоев Абдулатиф Абдутолибович — Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати ходими

Маҳмудов Владимир Носирович — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи

Мингбоев Убайдулло Қурбонович — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Мирсафоев Сирожиддин Мирсафоевич — Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг биринчи ўринбосари

Носиров Аҳат Ҳамзиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати ходими

Низомов Камолиддин Жамолович — Мудофаа вазирлиги танк батальони командирининг ўринбосари

Пайғамбаров Эсонбой Алимович (марҳум) — Наманган вилояти Норин тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

Панов Валерий Евгеньевич — Мудофаа вазирлиги учувчилар экипажи кема командири

Покровский Александр Георгиевич — Мудофаа вазирлиги артиллерия қўшилмаси командири

Ражабов Абдуғаффор Абдуҳамидович — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидируви катта оператив вакили

Раҳимов Ҳайдар Хўжаевич — Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командирининг ўринбосари

Ремизов Максим Евгеньевич (марҳум) — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг штурман-учувчиси

Собиров Рўзибой Каримович — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимининг участка назоратчиси

Савицкий Лев Васильевич — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командирининг ўринбосари

Соболев Борис Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати ходими

Соловьёв Олег Валентинович — Мудофаа вазирлиги авиация қисми звено командири

Сувонов Ўрол Чоршанбоевич — Сурхондарё вилоят прокуратурасининг криминалист прокурори

Сушевский Александр Михайлович — Мудофаа вазирлиги вертолёт эскадрильясининг катта учувчиси

Тошматов Баҳодир Ҳамидович — Мудофаа вазирлиги алоҳида мотоўқчи батальони командири

Федоренко Игорь Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси алоқа хизмати бошлиғининг ўринбосари

Филатов Александр Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Нурмуҳаммад Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг катта терговчиси

Харламов Александр Николаевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаво кучлари бўлим бошлиғи

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Ҳасанов Бекмирза Холмирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хотамқулов Камолжон Алиқулович — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳининг оператив вакили

Худойбердиев Ўткир Ҳасанович — Мудофаа вазирлиги мотоўқчи қўшилмаси алоқа ротаси командири

Худойқулов Азиз Собитович — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бошқарма прокурори

Шафигулин Ноил Нагимович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Шоумаров Маҳмуд Илёсович — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг катта прокурори

4. Кўп йиллик ҳалол меҳнати, иқтисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, ёш авлодни ватанпарварлик, республика миллий мустақиллиги ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун мукофотлансин:

"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураҳмонов Пўлат Мажидович — Самарқанд вилояти ҳокими

Абдиров Чаржов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Қорақалпоғистон Республикаси Фанлар академияси экспериментал клиника институти директори

Азимов Ботир Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академияси академик-котиби

Азимов Жўрабой — Жомбой тумани Х. Низоматов номидаги жамоа хўжалиги звено бошлиғи, Самарқанд вилояти

Айдарқулов Абдухолиқ Абдураҳмонович — Навоий вилояти ҳокими

Акбаров Парпихон — "Агросаноатқурилиш-2" трести 149-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бригадири, Наманган вилояти

Акрамов Аҳмад Аъзамович — Чирчиқ трансформатор заводи электр пайвандчиси, Тошкент вилояти

Аҳмедов Муҳаммад Исматович — Бухоро туманидаги "Маданият" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

Аҳмедов Одилжон — Избоскан туманидаги 119-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи, Андижон вилояти

Аҳмедов Раҳим — халқ рассоми

Аҳмедов Темир — "Ўзбекбурғигаз" бурғи ишлари трести Бухоро бошқармаси бурғилаш устаси, Бухоро вилояти

Бобонов Ўктам Қувондиқович — Жиззахдаги 2517-автокорхона ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

Бозоров Рашид — Қамаши тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Бурхонов Мутал Музаиннович — бастакор

Габдуллин Талгат Галимьянович — Навоий кон-металлургия комбинати мухандис-кон механиги, Навоий вилояти

Галикеев Чингиз Губайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академияси мутахассиси

Ғофуров Кабиржон Аминжонович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодий ахборот ва статистикани таҳлил қилиш департаменти бошлиғи, Тошкент шаҳри

Глушенко Алексей Данилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, механика ва биноларнинг зилзилага бардошлиги институти лабараторияси мудири

Григорьянц Валентина Гайковна — Бухоро шаҳар киновидео бирлашмаси мудири, Бухоро вилояти

Жамолов Иброҳим — Навоий кон-металлургия комбинати машинасозлик заводи электр пайвандчиси, Навоий вилояти

Жуманиёзов Маркс — Хоразм вилояти ҳокими

Жўраев Суннат Маматмуқумович — Жиззах устки трикотаж фабрикаси тикув машиналари созловчиси, Жиззах вилояти

Жўраев Хабибулла Усмоналиевич — "Ўзбеколмосолтин" уюшмаси Ангрен олтин қазиш кони олтинни ажратиб олиш фабрикаси тегирмони машинисти

Думлер Валерий Константинович — Жиззах вилояти автотранспорт давлат акционерлик бирлашмаси директори

Ёриев Равшан — Каттақўрғон театрининг бош режиссёри, Самарқанд вилояти

Жабборов Жуманиёз — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат мукофотлари қўмитаси масъул котиби

Жапақов Каримбой Жапақович — Қўнғирот туманидаги 63-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жолаева Роза Бектошевна — Нукусдаги "Гўзал" якка буюртмалар бўйича кийим тикиш ижара корхонаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўраев Раҳмон Пардабоевич — Фориш тумани М. Орлов номидаги хўжалик бош чўпони, Жиззах вилояти

Закарянц Адольф Гайкович — Ўзбекистон Республикаси Энергатика ва электрлаштириш вазирлиги электростанциялар ва иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи

Зокирова Мастура — С. Раҳимов туманидаги 21-болалар поликлиникаси бош врачи, Тошкент шаҳри

Зинин Вячеслав Иванович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги монополияга қарши ва нарх сиёсатини ўтказиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Зинин Сергей Иванович — рус маданияти марказининг раиси, Тошкент шаҳри

Зоирова Сайёра Ҳазратқуловна — Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси нашри "Нафосат" газетаси муҳаррири

Иваненко Наталья Даниловна — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академияси механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш бўлими илмий котиби, Тошкент шаҳри

Эгамбердиева Санъат Йўлдошевна — Фарғона вилоят касалхонаси ревмотолог шифокори

Иминов Абдуманноп Бадалович — Жалолқудуқ туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригадири, Андижон вилояти

Икромов Шахит Асқарович — Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси гидрогеология ва геология бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Исмоилов Раҳим — Навоий туманидаги "Ҳазора" жамоа хўжалиги фермери, Навоий вилояти

Эшонқулов Муҳаммадамин — Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчиси, Тошкент вилояти

Камолов Собир — академик, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси

Каримов Дадақўзи — Зангиота туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги бош агрономи, Тошкент вилояти

Қодиров Пиримқул — халқ ёзувчиси

Қодиров Тоҳиржон Одилович — Оқолтин туманидаги "Фарғона" биринчи ширкат бирлашмаси ижарачи механизатори, Сирдарё вилояти

Қориева Бернора Раҳимовна — халқ артисти

Қуллиев Бахтиёр Абдуллаевич — Дўстлик тумани М. Дадажонов номидаги кооператив бирлашма механизатори, Сирдарё вилояти

Қўноқбоев Омонгелди — Томди туманидаги марказий касалхона юқумли касалликлар бўлими мудири, Навоий вилояти

Қурбонов Аҳмад Шарипович — "Муборакгаз" газ-кон бошқармаси технология қурилмалари оператори, Қашқадарё вилояти

Кўчимов Абдусаид — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Лян Ревмир — Корейс маданият маркази раиси, Фарғона вилояти

Маматхонов Маҳмуджон — "Мингбулоқнефть" бирлашмаси бурғичи ёрдамчиси, Наманган вилояти, Чортоқ иумани

Марасулов Зокир — Фарғона нефть базаси ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Мамедов Исмоил Рустам ўғли — Озарбайжон маданият маркази раиси, Тошкент шаҳри

Маткаримова Тўлғаной — Андижондаги "Чинор" акционерлик бирлашмаси тикувчиси, Андижон вилояти

Маҳкамов Азим — Паркент тумани электр алоқа линиялари муҳандиси, Тошкент вилояти

Митрофанов Александр Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқ хўжалигидаги ҳуқуқий ишлар бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мўминов Қобул — Муборак газни қайта ишлаш заводи цех бошлиғининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Мусахонов Абдулмухтор — Учқўрғон тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги бригадири, Наманган вилояти

Мухторов Абдураим — Самарқандда жойлашган У. Жўрақулов номидаги "Усто" вилоятлараро бирлашмаси устаси, Самарқанд вилояти

Назаров Абдураҳмон — Норин туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ниёзметов Қобул — "Хоразмсовхозсувқурилиш" терсти 1-механизациялашган кўчма колоннаси ғишт терувчиси, Урганч шаҳри, Хоразм вилояти

Ниёзова Салима — Сариосиё туманидаги "Ленинград" жамоа хўжалиги бригадири, Сурхондарё вилояти

Ноздрин Владимир Васильевич — "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси аппарати ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Номозов Икромиддин — Бағдод туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригадири, Фарғона вилояти

Нуриддинов Алик Саидович — Бекобод металургия комбинати прокат цехи ишчиси, Тошкент вилояти

Нормуродов Абдурашид — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси "Ёшлик" студияси бош муҳаррири

Осипова Зинаида Дмитриевна — трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Отабоева Бекпошша — Урганч туманида жойлашган С. Қаландаров номидаги мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Отажонов Ибот Абдуллаевич — "Ўзбекқишлоқхўжаликмашинасозлиги" ишлаб чиқариш бирлашмаси электр пайвандчиси, Тошкент шаҳри

Полвонова Хурсанд Чориевна — Қарши тумани С. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги сут соғувчиси, Қашқадарё вилояти

Пўлатов Абдуллажон — "Ўзолмосолтин" уюшмаси Чодак олтин конидаги "Пирмироб" шахтаси ишчиси

Ражабов Нажим — "Махси" акционерлик жамияти ишчиси, Самарқанд вилояти

Рамазонов Боймурод — Бухоро тумани У. Юсупов номидаги жамоа жўжалиги бригадири, Бухоро вилояти

Расулев Ўткир Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, У. Орипов номидаги электроника институти директори

Раҳимов Акбархўжа Комилович — "Ўзбекнефтегаз" миллий корпорацияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри

Раҳимов Носир — "Андижоннефть" бошқармаси бошлиғи, Андижон вилояти

Рўзиқулов Ўрол Жўраевич — Термиздаги 53-автобус — таксомотор парки ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

Садриддинов Исроил — "Қизил Шарқ" маҳалла қўмитаси раиси, Наманган шаҳри

Самадова Мавжуда Саидовна — пенсионер, Тошкент шаҳри

Саримсоқов Убайдулла — Гулистон туманидаги "Қизил тонг" жамоа хўжалиги фермери, Сирдарё вилояти

Слесаренко Валентин Афанасьевич — "Ўзнефтниқайтаишлаш" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси бурғилаш қурилмаси бошлиғи, Фарғона шаҳри

Темиров Ҳазрат — Яккабоғ туманидаги "Қизил Юлдуз" жамоа хўжалиги бригадири, Қашқадарё вилояти

Тешабоев Нормуҳаммад Ашуралиевич — Асака шаҳридаги 5-мактаб директори, Андижон вилояти

Толипов Содиқжон Ортиқович — "Тошкентшаҳарнур" бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

Тўйчиева Сайринисо — Сирдарё тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги бригадири, Сирдарё вилояти

Тўлаганов Козим Носирович — Тошкент шаҳри ҳокими

Турдиев Оллоберди Эгамбердиевич — "Фарғонадон" ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, Фарғона вилояти

Ўлмасов Хожиқурбон Жўраевич — "Ўзбекбурғигаз" трести Бухоро бурғи ишлари бошқармаси бурғилаш устаси, Бухоро вилояти

Умаров Жумабой Шералиевич — Сайхунобод туманидаги "Пахтакор" кооператив хўжалиги бригадири, Сирдарё вилояти

Улуғова Муҳтарама Маматхоновна — журналист

Усмонов Абдураҳмон Исроилович — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Файзуллаев Равшан Фатхуллаевич — "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри

Хабибов Салим — Нарпай тумани Бобур номидаги кооператив бирлашма бошқаруви раиси, Самарқанд вилояти

Ҳакимов Акрам — Навоий шаҳридаги 34-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси, Навоий вилояти

Ҳакимова Раҳима — Самарқанд тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Ҳоллиев Шотурди — Термиз шаҳридаги 1-марказий вилоят касалхонаси урология бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Хўжаев Шабот — Республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси

Хусанхўжаев Саидаҳмад (Саид Аҳмад) — халқ ёзувчиси

Хушвақтов Чори — Бандихон туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригадири, Сурхондарё вилояти

Чинорова Рисолат — Иштихон туман фельдшерлик пўнкти фельдшери, Самарқанд вилояти

Шомуротов Толибой — "Оролсувқурилиш" трести Чимбой механизациялашган кўчма колоннаси бульдозерчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Шаҳрамова Меҳрижон Илҳомовна — Янгийўлдаги "Кичкинтой" акционерлик жамияти тикувчи-мотористи, Тошкент вилояти

Шоабдураҳмонов Шоназар — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тилшунослик институти маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Эрназаров Абдусаттор — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси олий малака комиссияси раиси

Йўлдошев Шуҳрат — Ўрта Осиё темир йўли ягона диспетчерлик маркази бошлиғи, Тошкент шаҳри

Ёқубова Риски — Оққўрғон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Янгибоев Саъдулла — Янгибозор туманидаги 8-автокорхона ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 август.

ЯҚИН КЕЛАЖАКДА УЧТА УМУМРЕСПУБЛИКА ТЕЛЕКАНАЛИ ИШ БОШЛАЙДИ

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари Фарҳод Рўзиев билан суҳбат.

• Бир сакрашда қояларни забт этган қоплон
• 50 нафар ўзбек қадимий Хитойни идора қилишда қатнашган экан
• Қачон телеэкранда ўз познерларимиз бўлади?
• "Ахборот" сизни қониқтирадими?

— Суҳбатимиз бошида истиқлолга бағишланган дастурларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бу кўрсатувлар асосан, уч йўналишда бериб борилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори тобора юксалиб бораётганлигини бутун кўлами билан акс эттириш, ўзбек давлатчилиги тарихи, башарият тараққиётига катта дарё бўлиб қўшилган бой маданий меросимиз, халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлари телекўрсатувлар мундарижасидаги йўналишларни ташкил этади.

Ватанимизни улуғлаш, истиқлолнинг аҳамиятини тараннум этиш, миллатимиз шарафи, фуқароларимиз ҳамжиҳатлиги ва осойишталиги, мустамлакачилик асоратларини тезроқ бартараф этиш масалалари ҳар бир кўрсатувнинг ўзаги ҳисобланади. Ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида-алоҳида тўхталадиган бўлсак, биринчиси "Ўзбекистон ва жаҳон" кўрсатуви.

Бир сакрашда қояларни забт эта оладиган тоғ қоплонини тасаввур эта оласизми? Унинг бутун вужудидан шиддат, жасорат ёғилиб туради. Бу ўхшатиш бироз ғайритабиий туюлса ҳам мен Ўзбекистоннинг халқаро ҳаётдаги ҳаракатини ўша тоғ қоплонининг шиддатига қиёслайман. Уч йил ичида мустақил давлатимиз собиқ СССР 70 йил давомида эришолмаган юксакликка кўтарила олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш ва тез орада унинг энг фаоллари сафидан ўрин олиш, СБСЕ, Иқтисодий Ҳамкорлик Кенгаши, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки, "Форум фонд" каби қатор жуда обрўли молиявий-иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар билан тенглик асосида ҳамкорлик ўрнатилди. Буларнинг ҳар бири телекўрсатувлар ижодкорлари қайта-қайта мурожаат қиладиган мавзулардир. Булардан ташқари, Ўзбекистон давлат делегациясининг жаҳоннинг етакчи давлатларига расмий сафарлари ва обрўли давлат арбоблари Франсуа Миттеран, Мауано Кайвисто, Ли Пэн, Ким Ен Сен ва бошқаларнинг юртимизга ташрифи, турли даражадаги кўпдан-кўп ҳамкорликлар телеэкран кўзгусида умумлаштирилганда мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдонда эътироф этилиши яна бир бўйи билан намоён бўлди. Мазкур кўрсатувларда халқаро алоқаларимизнинг амалий натижаларига алоҳида аҳамият беряпмиз.

Ўзбек давлатчилиги тарихи телевидение учун ҳали очилмаган қўриқдир. Биз мактабларда ўқиган тарих ниҳоятда сохталаштирилган. Аслида юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, тарихимиз, буюк давлатчилик сиёсати илдизлари бир неча минг йиллик тарихий жараён билан туташиб кетган.

"Ўзбек давлатчилиги тарихи" деб номланган кўрсатувларда дастлабки ўзбек давлатларининг ташкил топиш асослари, бу сарзаминда қадимдан ҳунармандчилик, фан ва маданият ривож топганлиги, бой аҳлоқимиз ва мафкурамизнинг онгимиздаги чуқур томирлари мустақиллигимизга қудратли пойдевор эканлиги хусусида фикр юритилади. Археологик маълумотларнинг ҳамда Хитойда чоп этилган қадимий қўлёзмаларнинг гувоҳлик беришича, биз истиқомат қилаётган сарзаминда қадимги Сак (Соқ ёки Соғ) ҳамда Хун хақонликлари, шунингдек бир неча минг йилни ўз ичига олган Парфия, Бақтрия, Кўшон, Суғд, Хоразм, Бухоро ҳамда Фарғона давлатлари ўзларининг сиёсий ва иқтисодий тараққиётлари билан бошқа давлатларнинг ташкил топишига асос бўлди. Бу давлатларнинг ўз рамзлари, байроқлари, тангалари, иқтисодий тизимлари ҳамда ёзуви мавжуд бўлган. Исломгача бўлган даврда бизнинг аждодларимиз ҳаётида диний этиқодларнинг хилма-хиллигини кўрамиз. Бу ерда оташпарастлар билан бирга буддизм ҳам кенг ривожланганлиги, бу археологик қазилмалардан топилган Будда ҳайкаллари билан изоҳланади. Ҳунармандчиликнинг ҳар томонлама ривож топиши эса Буюк ипак йўлининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Аждодларимизнинг давлатчилик тажрибалари қадимдан бошқа мамлакатларга кенг тарқалган. Масалан, қадимги Хитойда ўзбек миллатига мансуб бўлган 50 га яқин киши бу катта мамлакатни идора қилишда иштирок этган. Ёки қадимги Миср, Рум ва ғарбдаги кўпгина мамлакатларни бошқаришда бизнинг аждодларимиз фаол қатнашган.

Шу рукндаги навбатдаги кўрсатувларда Турон империяси, қадимий давлатларнинг тизимлари, ўйғониш ва ривожланиш даври ва ниҳоят, Амир Темур тузган марказлашган империя ҳамда Буюк ипак йўли ҳақида кўрсатувлар режалаштирилган. Бу кўрсатувлар мустақил мамлакатнинг, ўзбек давлатчилигининг туб асосларини очиб беради.

Ойнаи жаҳонда "Ватанни севмоқ иймондандир", "Бир ўлкаки", "Юрт ҳақида қўшиқ", "Гулла, яшна, мустақил диёр" каби кўрсатувлар ҳам бериб бориляпти. 31 август ва 1 сентябрь кунларида бериладиган кўрсатувларнинг ғоявий йўналиши ҳам миллатимизни, ватанимизни улуғлашга қаратилгандир.

— Иқтисодчиларнинг "бўш қоп тик турмайди", деган гапи бор. Қолаверса, телетомошаларнинг мазмуни чақиш шукур учун тўқчилик бўлиши керак. Худога шукур, халқимиз йўқчиликни кўрмади. Александр Соложенцин, Владимир Жириновский кабиларнинг фоли тескари чиқиб, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги ҳақида бор овоз билан гапириб турибмиз. Аммо уч йилимизнинг иқтисодий якуни фақат шундангина иборат бўлмаса керак!

— Ҳақиқатдан ҳам 1994 йилни иқтисодий бурилиш йили деса бўлади. Чор Россияси 1913 йилдан бошлаб ҳудудимизда ғаллани камайтириш ва пахтани кўпайтириш сиёсатини ўтказди. Маълумки, ўзбек пахтакорлари собиқ СССРнинг пахта мустақиллигини 1933 йили тўла таъминлади. Аммо, юртимиз ғалла мустақиллигини қўлдан бой бериб қўйди. Тўғриғи, шунга маҳкум этилди. Мана энди салкам бир асрдан сўнг эса бир йилда етиштирган ғалламиз 1,3 млн. тоннадан ошди. Ғалла экиладиган майдонлар ҳажми кескин кўпайди. Бу жараён ҳали давом этади. Баъзи бир жойларда ҳар гектардан 70—76 центнер ҳосил кўтарилди. Бу жаҳон даражасидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Боз устига шу жойларга экилган уруғ Канада ёки Америкадан келтирилган эмас: ота-боболаримиз экиб келган ва ўзбек олимлари етиштирган навлардир.

Юқоридаги мисолнинг ўзиёқ мустақил иқтисодиётимиз ҳақида кўп яхши хулосаларни чиқариш имконини беради. Бироқ янги иқтисодий тизилмалар, миллий иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга оширилиши керак бўлган ишлар талайгина. Буларни телевидениега олиб чиқишга имкон борича ҳаракат қилаяпмиз. Аммо, ҳали бу ишлар кўнгилдагидек эмас. Иқтисодий ва сиёсий мавзуларда тиниқ ишлай оладиган ўз познерларимиз бўлишини ҳамон орзу қиламиз. Афсуски, ҳозирча бундай ёркин тележурналистларни кашф қилолганимиз йўқ. Бу дегани иқтисодий кўрсатувлар йўқ дегани эмас, улар бор. Лекин савияси ҳали бироз паст. Бу кўрсатувларни яхшилашга ҳаракат қилиняпти. Ўйлайманки, бу борадаги ютуқлар самарали бўлади.

— Кейинги пайтда телетомошалар ихчамлашиб, шу ҳисобдан ранг-баранг бўлиб бормоқда. Лекин, "Ахборот" кўрсатувлари кичик телеочеркдан фарқ қилмайди, бироқ чўзилган. Кейин уларда иқтисодий таҳлил ҳам бўш. Эҳтимол деҳқоннинг 45 центнер дон олгани қизиқ эмасдир. Лекин шу ҳосил ҳисобидан уйига икки юз тонна ғалла тушириб олган бой деҳқон ҳақидаги кўрсатув анча мароқли бўлади. Давлатимиз сиёсати давлат буюртмасидан бозор талаби асосида ишлаш сари эврилган экан, бас, телемухбирларимиз ҳам режани бажарган "қаҳрамонлар" орқасидан камроқ чопишсин. Чунки бизда режа бажарган кўп, лекин уйига икки юз тонна дон туширган деҳқон ҳали саноқли. Мен буни мисол тариқасида айтяпман. Умуман, ахборотлар, янгиликлар мазмунини Ўзбекистон тараққиётининг ўша машҳур беш тамойили асосида қайта кўриб чиқиш керак.

— Эътирозингиз тўғри. Лекин адолат юзасидан ёндошсак, кейинги вақтларда ахборотлар анча ихчамлашди. Эътибор қилган бўлсангиз, биз мажлисларни, турли даражадаги йиғинларни эмас, балки уларнинг натижаларини, амалий ишларни кўпроқ ёритишга ҳаракат қилаяпмиз. Энди тасаввур қилинг: ҳар бир мажлис ортида катта бир идора туради ва унинг раҳбари аввалги одат бўйича ишлаётганини мажлис орқали намойиш қилгиси келади. Унга мажлис иш эмаслигини тушунтириш осон эмас.

Аммо, ахборотимиз мустақил, ўз мақсади ва сўзи бор давлатнинг кўрсатуви даражасига кўтарилгани йўқ. Журналистларимизда ўз фикрини дадил айтишдан чўчиш ҳали ҳам бор. Бу ҳол фақат ахборотчиларга тегишли эмас. Бошқа таҳририятларда ҳам аҳвол шундай. Ижодий эркинлик бўлсагина кўрсатувлар қизиқарли чиқади.

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 мартдаги "Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг кўрсатув ва эшиттиришлари ҳажмини кўпайтириш, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини жамоангиз аҳли катта қувонч билан кутиб олган эди. Мана орадан 5 ой ўтди. Телекўрсатувларнинг расман уч дастурга ажратилгани ва Россия программаларининг қисқарганини эътиборга олмаса, жиддий ўзгариш унчалик кўзга ташланмайди. Айрим тележурналистлар билан суҳбатлашсак, техника етишмаётганидан нолишади. Эшитишимча, техника етишмаганидан яқинда ўзингиз ҳам бир гуруҳ ходимларингизга бош бўлиб айрим байрам кўрсатувларини Бухоро вилоят телевидениесида монтаж қилиб келибсизлар...

— Телерадиокомпания учун ўта муҳим масалани кўтардингиз. Техник имкониятимиз чекланган. Вазирлар Маҳкамасининг ўша сиз эслатган қарорига кўра бизда яқин бир-бир ярим йил ичида учта умумреспублика канали ишлаши керак. Ҳар бир канал ўрта ҳисобда 10—11 соат кўрсатув бериши мўлжалланган. Мазкур қарорда телевидениенинг моддий-техника базасини тўла таъминлашга доир тадбирлар белгиланган. Ҳозирча маблағ ажратиш қийин кечаётгани боис техника сотиб ололганимиз йўқ. Шунинг учун анча қийналиб қолдик.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган 5 серияли "Адолат Қомуси" деган видеофильм яратмоқдамиз. Яқинда эфирга берилади. Мақсад — Конституциянинг моҳиятини бадиий асосда очиб бериш, халқимизга Бош Қонуннинг аҳамиятини яхшироқ тушунтириш. Зеро, Ўзбекистон тараққиётини таъминлашнинг асосий тамойилларидан бири қонун устиворлигини таъминлашдир. Телекўрса-тувлар ижодкорлари ҳам ўз дастурларини шунга мувофиқлаштириб олмоқдалар.

Жамоамизда ўз ишини, касбини ардоқлайдиган фидойи ижодкорлар анчагина. Уларга суяниб, Мустақил Ўзбекистонимиз фуқаролари дидига мос телекўрсатувлар тайёрлаш учун бор имкониятдан фойдаланмоқдамиз. Ниятимиз Ўзбекистон телекўрсатувларини келгусида жаҳон талаблари даражасига етказишдир.

Фармон ҚЎРҒОНОВ
суҳбатлашди.



• Муштарий билан юзма-юз

ҚЎҚОН: "ХАЛҚ СЎЗИ" ГАЗЕТАСИ КЎЧАСИ

ОДАМЛАР ҚАЛБИДА БАЛҚИР ТЕТИК РУҲ!

Шу йил 15—20 август кунлари Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларининг қатор шаҳар ва туманларида "Халқ сўзи" кунлари бўлиб ўтди. Таҳририят вакиллари жойларда муштарийлар билан учрашиб, уларнинг газета саҳифаларида чоп қилинаётган мақолалар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини тинглашди, келгусида амалга оширилиадиган режалар ҳақида гапиришди. Шунингдек, жойларда ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганлиги билан ҳам яқиндан танишишди.



Учрашувлар Қўқондан, аниқроғи, шаҳарнинг "Халқ сўзи" газетаси номидаги кўчадан бошланди.

Аммо биз учрашув ҳақидаги репортаждан олдин бу кўҳна ва навқирон шаҳарда бир йил ичида амалга оширилган ишлар хусусида гапирмоқчимиз.

Агар халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 1993 йилда 104,5 фоизни ташкил қилган бўлса, шу йилнинг етти ойи давомида бу кўрсаткич 116 фоизга етди. Шаҳарда белгиланганидан анча кўп миқдорда (ва, асосийси, сифатли!) шойи газлама, пайпоқ, чарм пойафзал, одеял, шунингдек ун, сариёғ тайёрланди. Калиш ва бошқа кўплаб халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Йилига 200 минг дона эркаклар кўйлагини тикувчи цех фойдаланишга топширилди. Янги мактаб, боғча, поликлиника, касалхона қурилди. 21 минг 40 та давлат турар-жой уйи, 421 та савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 13 та саноат, 4 та транспорт, 7 та қурилиш корхоналари хусусийлаштирилди. 473 та ширкат ва кичик корхона рўйхатдан ўтказилди.

Шаҳарни обадонлаштириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди. Транспорт, медицина, санъат, маориф, маданиятни янада ривожлантиришга катта эътибор берилди.

Бу юмушларга газетамиз номи билан аталадиган кўчадаги меҳнат жамоаларининг қўшган улушлари ниҳоятда катта. Гап шундаки, бу ерда ўн бешдан зиёд корхона — ип йигирув, пайпоқ тўқув, оғир саноат машинасозлиги, суперфосфат заводи, нефть саноатида ишлатиладиган ускуналарни ремонт қилувчи корхона, нон маҳсулотлари комбинати, 5-қурилиш-монтаж бошқармаси, 2520-автокорхона жойлашган бўлиб, у ерларда юзлаб одамлар меҳнат қилишади.

Агар корхоналар кўчанинг сўл томонида жойлашган бўлса, унинг ўнг томонидан, асосан, кўп хонали турар-жой бинолари, ётоқхоналар, хусусий уйлар, шифохоналар ўрин олган.

Ҳар икки ёни дарахтзор бўлган бу сўлим кўчанинг узунлиги қарийб икки километр келади.

Кўча Қўқоннинг энг кўҳна гўшаларидан ҳисобланади. Қўқоннинг машҳур боғлари, ширин-шакар узумлари асосан, ана шу ерда бўларди. Балки, ана шу боғлар туфайли шаҳарга "Ҳўқанди латиф" яъни "латофатли, ёқимли, гўзал" деб таъриф берилгандир? Кўча адоғида Қўқоннинг ўн икки тарихий дарвозасидан бири Исфара дарвозаси мавжуд эди. Бу ердан ўтган карвон йўллари нафақат Исфара, балки Конибодом, Тошкент, Бухоро ва Самарқандга, Андижон, Наманган, Ўш ва Ўзганга, ҳатто Қашқарга ҳам олиб борарди.

Шўролар даврида кўчани "Фабричная" деб аташди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги арафасида эса унга "Халқ сўзи" газетаси номи берилди. 15 август куни кўча бинолари пештоқларидаги лавҳалар янгиланди. Ушбу маросимга бағишланган тантаналарда кўчада истиқомат қилувчи оилаларнинг, бу ерда жойлашган меҳнат жамоаларининг вакиллари, шунингдек меҳнат фахрийлари, депутатлар иштирок этишди.

Кўча бошидаги алвон лента қирқилгач, шаҳар ҳокими Ҳожиқул Мавлонқулов, маҳалла оқсоқоллари, корхоналарнинг вакиллари ва меҳмонлар — "Халқ сўзи" ижодий ходимлари кўча ҳудудидаги иншоотларда бўлишди, ишчи-хизматчилар, хонадон соҳиблари билан суҳбатлашишди. Сўнг 2520-автокорхонада "Халқ сўзи" журналистлари билан муштарийларнинг мулоқоти уюштирилди. Газета бош муҳаррири Анвар Жўрабоев кўчага "Халқ сўзи" номи раво кўрилгани газетамиз жамоасига бўлган иззат-икромгина эмас, балки таҳририятда ишловчи ҳар бир ходимнинг зиммасига ана шу ерда яшовчи, меҳнат қилувчи одамлар томонидан юкланган юксак масъулият ҳам эканини таъкидлади ва газета жамоаси номидан миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, у "Халқ сўзи"да амалга оширилаётган ишлар, келажакдаги режалар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Қарийб икки соат давом этган ушбу мулоқотда ислоҳотларнинг бориши, бу жараён "Халқ сўзи"да нечоғлик акс эттирилаётгани, мустақилликнинг уч йиллигини қўқонликлар қандай ютуқлар билан кутиб олишаётгани ҳақида гап борди. Бундан ташқари "Халқ сўзи"нинг янада ўқимишли бўлишини таъминлаш, унинг халқчиллигини тағинда ошириш хусусидаги фикр-мулоҳазалар айтилди.

Ҳожиқул Мавлонқулов, шаҳар ҳокими:

— Мамлакатимиздаги энг муқаддас байрам — Мустақиллик кунини қўқонликлар ниҳоятда кўтаринки руҳ билан кутиб олишяпти. Яқин вақт ичида шаҳарда шифохона, иккита болалар боғчаси, нон заводи, олти ярим минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Айни кунларда тўқимачилик комбинати, вино заводининг янги цехи, мармар заводи, кўз касалликлари шифохонаси қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Биз байрамгача беш гектар ерга жойлашган савдо марказини, кам таъминланган, ногирон оилалар учун 48 квартирали турар-жой биносини фойдаланишга топширамиз.

Муаммолар ҳам етарли. Аммо бу — тушунарли ҳол, чунки биз мутлақо янги жамият қуряпмиз. Мен шуни қувонч билан қайд этмоқчиманки, одамларимиз қийинчиликлар вақтинча эканини, асосийси эса, уларни енгиб ўтиш, энг аввало, фақат ва фақат ўзларига, ўзларининг ишга бўлган масъулиятига, шу Ватан ўзимизники деб мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар хил икир-чикир гапларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳалол меҳнат қилишига боғлиқ эканлигини юрак-юракдан ҳис этишяпти. Ва шу боис ҳам уларнинг ишончу умидлари тобора кучайиб брмоқда.

Бунда "Халқ сўзи"да чиқаётган мақолаларнинг ҳам таъсири бор, албатта. Газета сўнгги пайтларда эскилик сарқитларига қарши кураш олиб бориб, одамларда масъулият, изланиш, ватанга фидойилик каби туйғуларни ривожлантириш бўйича катта ишларни амалга ошираётир. "Халқ сўзи" Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини халққа етказибгина қолмай, жойларда улар қандай бажарилаётгани ҳақида ҳам муштарийларни ўз вақтида хабардор қилиб туришиям айни муддаодир.

"Халқ сўзи"га бир талабимиз бор: оддий одамлар, айниқса, ишчилар ҳақида лавҳалар, фотоочеркларни мунтазам бериб борса, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳамма қирраларини таҳлил қилувчи мақолаларни янада кучайтирса.

Рафиқ ОТАЖОНОВ, "Қўқон садоси" газетасининг муҳаррири:

— Шаҳримиздаги энг йирик кўчалардан бирининг "Халқ сўзи" номи билан аталгани нафақат шу таҳририятда ишловчи, балки барча журналистлар меҳнатига халқ томонидан берилган баҳо деб ҳисоблайман.

Бу эса, шубҳасиз, ҳар бир мухбирнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Маълумки, Қўқон ўзбек халқининг миллий қадриятлари ўзига хос макон топган манзилгоҳлардан. Мен "Халқ сўзи" ана шунга эътиборни қаратишини истардим.

Ёқубжон Носиров, "Халқ сўзи" маҳалласи фуқаролар йиғинининг оқсоқоли:

— Шуни айтмоқчиманки, парламент ва ҳукуматимиз нашри бўлган ушбу газета номи нафақат собиқ "Фабричная" кўчаси, балки, маҳалламизга ҳам ерилди. (у илгари Давронбек деб аталарди).

Ушбу маҳалла 17 кўчани ўз атрофига бирлаштирган



Рафиқ Отажонов

Ҳожиқул Мавлонқулов

Умаржон Деҳқонов

Маъмуржон Абдуллаев

Ёқубжон Носиров

Муқаддас истиқлол орзуларини амалга ошириш ва давлатимиз мустақиллигининг илк бунёдкорлари сафида бўлиш сиз билан бизга насиб этди. Ўзбекистон ўзининг буюк келажаги йўлида дастлабки тарихий қадамни қўйди. Энди ана шу йўлдан қатъият ва сабот билан қадам ташлайлик.

Ислом КАРИМОВ.



(РЕПОРТАЖ)

Боя мендан сўраб қолишди: "Фабричная" кўчасига "Халқ сўзи" газетасининг номи берилиши "жараёни" қай тарзда "кечган", деб. Бир куни шаҳримизга вилоятимиз ҳокими Мирзажон Исломов ташриф буюриб, айрим кўчалар ҳануз эскича номлар билан аталаётгани учун бизни роса "қизартирди". Кейин таклиф қилиб қолди: бирор бир кўчага республика газеталарининг номини берсанглар-чи. Кейин сўради: "Ўзи Қўқонда қайси газетага обуна кўп?.." Бизда "Халқ сўзи"га энг кўп — икки мингдан зиёд одам ёзилган. Хуллас, ана шу газета номзоди "устида" тўхталдик. Маҳалла оқсоқолларини чақириб, маслаҳат қилувдим: "Бизнинг кўчага беринглар", — деган таклиф кўпайиб кетди. Охири "Фабричная"ни танладик.

Биринчидан, бу ерда шу газетага энг кўп одам обуна бўлган экан. Иккинчидан, бу қадимий кўчанинг нафақат саноат, балки ижодга ҳам алоқаси бор: Муқимий, Фурқат, Завқий Ҳамза каби ижодкорларнинг ҳоки пойлари қолган. Бу кўчада Нодирабегимнинг руҳи поклари кезиб юрибди...

кунларда элликдан ортиқ ташкилотга хизмат кўрсатяпти. Ҳайдовчиларимизни нафақат Марказий Осиё, балки Россиянинг шимолий минтақалари, Украина ва Белоруссия йўлларидаям тез-тез учратишимиз мумкин. Бу йил бир миллион 649 минг тонна юк ташишга ваъда берувдик, етти ойлик кўрсаткичлар сўзимизнинг устидан чиқишимизга кафолатдир. "Халқ сўзи"да шоферлар, айниқса, узоқ манзилларга юк ташувчи ҳайдовчилар ҳақидаям қизиқарли очерклар бериб борилса.

Маъмуржон Абдуллаев, педагогика институти доценти

— Икки йил муқаддам "Халқ сўзи"да Қўқон қозоғи тўғрисида берилган мақола ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотганди. Қадриятларимизни тиклашга бағишланган ана шундай мақолалар янада кўпайишини истардим.

Ўринбой Носиралиев, вилоят қишлоқ хўжалигини таъмирлаш бирлашмасининг Қўқон туманлараро таъминот базаси директори:

— Биз асосан, Қўқон гуруҳи туманларидаги хўжаликларга эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалик ашёлари, хўжалик моллари етказиб берамиз. Айни кунларда пахта йиғим теримига пухта тайёргарлик кўряпмиз. Ҳозиргача хўжаликларга 200 минг донадан ортиқ этак, 60 минг дона қоп-қанор, 10 тонна ғўза баргини тушиradиган дефолиант, 1 минг донадан ортиқ тарози етказиб бердик.

Баҳрамжон Йўлдошев, "Фарғона сув қурилиши" трестининг 5-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи:

— Марказий Фарғонадаги ерларнинг ўзлаштириб, боғу роғларга айлантирилиши, бевосита бизнинг бошқармамиз номи билан боғлиқ. Бунёдкорларимиз Ёзёвон чўлларидан тортиб, Сариқамиш массивларигача бўлган 100 километрдан ортиқ саҳроларга, барҳанларга ҳаёт бахш этиш билан шуғулланишган. Мустақиллигимизнинг 3 йиллиги арафасида биз 200 гектардан ортиқ янги ер очдик. 100 гектар эса қайтадан таъмирланиб, деҳқонларга топширилди. Шунингдек, 5 километр масофада "Халқобод" ва "Ғунча" каналларини бетонлаштирдик.

Ҳабибулло Абдуллаев, Қўқон қурилиш материаллари комбинати директори:

— 160 кишилик жамоамиз кўчамизга "Халқ сўзи" номи берилишини хурсандчилик билан кутиб олди. Корхонамиз коммунал ва уй-жой хўжалиги объектларига хизмат кўрсатади. Айни кунларда бутун эътиборни Ўзбекистон мустақиллигининг 3 йиллиги арафасида ишга туширилaдиган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга қаратганмиз.

Муҳсинжон Аҳмедов, Қўқон нон комбинатига қарашли кондитер маҳсулотлари корхонаси дирктори:

— Корхонамиз маҳсулотлари бутун республикамизга машҳурдир. Олий навли ундан тайёрланаётган макаронлар, найча, чиғаноқ макаронлари, қандсиз сухарилар мустақиллик дастурхонига энг муносиб совға бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Мана, "Халқ сўзи" тантаналари муносабати билан ташкил қилинган ярмаркага ҳам ўз маҳсулотларимизни олиб келдик. Байрам дастурхонимиздаги маҳсулот турлари эса янада хилма-хил ва бой — унда макарон маҳсулотларининг 24 хили, сухарининг эса 6 хили бўлади.

Йўлдошали Эсонов, қишлоқ хўжалигини кимёвий маҳсулотлар билан таъминлаш корхонаси директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати:

— Корхонамиз зиммасига Қўқон гуруҳидаги 5 та туманга кимёвий маҳсулотлар етказиб бериш вазифаси юклатилган. Шу билан бирга фермер хўжаликларига кимёвий маҳсулотлар, маҳаллий ўғитлар етказиб беришни ҳам ўз зиммамизга олдик. Ҳозиргача 100 дан ортиқ фермер хўжалигига 20 миллион сўмлик хизмат кўрсатдик.

Мен халқ ноиби сифатида газетанинг ҳар бир сонини зўр қизиқиш билан кузатиб, бораман. Айниқса, кейинги пайтларда газетада оддий одамлар, депутатлар ҳақида кўплаб мақолалар берилаётганлиги маъқул бўлмоқда.

Шарофиддин Мадаминов, 18-мактаб ўқитувчиси:

— Бизнинг кўчага "Халқ сўзи" номи берилишини биргина мен эмас, ҳатто 100 ёшдан ошган онахонимиз Назирой момо ҳам қувонч билан кутиб олди, у киши бир умр шу кўчада яшаганлари билан "Фабричная" деган сўзни ишлатишга жуда қийналардилар, энди эса "Халқ сўзи" деган номни бурро-бурро қилиб айтяптилар...

Акбарали Ўлмасбоев, темир йўл хизмати фахрийси:

— Эсимни танибманки, темир йўл тизимида меҳнат қилдим. Отам, бобом ҳам шу тармоқда ишлаган. Ҳатто онам Файзинисо Ўлмасбоева ҳам ярим асрдан ортиқроқ темир йўл депосида меҳнат қилишган. Мен касбим тақозоси билан жуда кўп жойларда бўлганман. Касбдошлар билан олис манзилларда учрашиб қолсак, "Фабричная" кўчасида яшаймиз дейишдан истиҳола қилардим. Энди эса фахр-ифтихор билан биз "Халқ сўзи" кўчасида яшаймиз!" деб баралла айта оламан.

Умаржон Деҳқонов, меҳнат фахрийси:

— "Халқ сўзи" деган атама халқнинг дилидаги, кўнглидаги гап сифатида ҳам кўпчиликка маъқул бўлди.

Мен 6 фарзандни тарбиялаб вояга етказдим. Ҳозирги кунда 25 та невара, 3 та чеваранинг бобосиман. Улар ҳам бугунги тантаналарда иштирок этишди. Кўчамизнинг янгича номланиши ҳаммамизга маъқул тушди.

Раъногон Раҳимова, 4-шифохона ҳамшираси:

— Кўчамизда қатор соғлиқни сақлаш муассасалари жойлашган. Бугунги тантаналарда ҳамкасбларим ҳам қатнашяпти. Чунки кўчамиз номи янгиланишини анчадан бери кутаётган эдик. Ниятимизга улуг байрам — мустақиллигимизнинг уч йиллиги арафасида эришганимиз дилларимизга олам-олам шукуҳ бағишлади.

Гулнора Тошматова, нон маҳсулотлари комбинати ишчиси:

— Мен кўчамизга севимли газетамиз номи берилганидан фойдаланиб, анчадан буён дилимга тугиб юрган истакни билдирмоқчиман: газетада аеллар ҳаёти, турмушига бағишланган алоҳида саҳифалар берилса, умуман оддий ишчи, қишлоқ аеллари тўғрисида ма-қолалар, лавҳалар кўпайса...

Набижон СОБИР,
Фозилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
Абдуҳошим МАДАТОВ,
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
(фото)
"Халқ сўзи" мухбирлари.

● *1994 йил — оила йили*

Миллий одобномамиз — исломий таълим-тарбияда фарзанднинг она олдидаги қарздорлигию бурчдорлиги бағоят улуғланиши бекорга эмас. Чунки дунёдаги ҳеч бир меҳр онанинг боласига муҳаббатига тенг келолмаса керак. Ҳатто зоҳиран она дилбандига бадмеҳрлик ё борингки, очиқ адоват қилгани тақдирда ҳам, бир кун келиб унинг қалбида кутилмаганда ва ғайриихтиёрий равишда оташин меҳр-муҳаббат жўш уриши мумкин.

Алишер Навоий асарларида бунга мисоллар кўп. "Тарихи мулуки Ажам" ("Ажам мамлакатлари тарихи") асарининг "Бурунғи табақа — пешдодийлар" бобида Ҳумой деган подшоҳ аёл ҳақида ўқиймиз: "Ҳумой рою хирадлиг (ўй-фикрли, ақлли) хотун эрди. Баҳмандин (Баҳман унинг эри эди) сўнгра тахтқа ўлтурди. Чун ҳомила эрди, вазъ ҳамл қилди (кўзи ериди) ва салтанат ҳубби (меҳри) қўймадиким, ўғлини подшоҳлиққа мансуб қилиб, ўзи анга муҳофазат қилғай (қарам бўлғай). Ани (яъни ўғлини) бир сандуққа солиб, қийр (қора мум) билан маҳкам қилиб, дарёга солди. Дебдурларки, бир гозур (кир ювувчи) иликига (қўлига) тушуб, ани фарзандчилай (фарзанд қилиб) асраб, тарбият қилди. Булуғ ҳаддиға (балоғат ёшига) еткандин сўнгра салтанат гавҳари ўз ишин қилиб, гозурлуқ (кир ювувчилик) ишин макруҳ тутуб (еқтирмай, ундан ор қилиб), илму фазл ва адаб касбин қилиб, силоҳшўрлуқ (қурол-аслаҳадан фойдаланиш) ўрганиб, сипоҳийлик (аскарлик) қоидасини хўб (яхши) билди".

Кўрдингизми, ирсият шунчалик кучли нарсаки, асли ўзининг шоҳ ўғли эканини билмаса ҳам, бу бола, барибир, шаҳзодалар каби касбу корларга қизиқади, кир ювувчиликдан ор қилади.

Кир ювувчи чақалоқни сувдан топиб олгани учун унга Дороб ("дор" — ол, "об" — сув дегани) деб от қўйди. Охири Дороб ўзининг кир ювувчи ўғли эмаслигини ичдан ҳис қилади. Ўзини тарбиялаган отасидан аниғини сўрайди. Кир ювувчи ростини айтишга мажбур бўлади. Шундан сўнг у болага қўшиб сандиққа солиб юборилган бойликлардан қолганини Доробга топширади. Дороб бу бойликларга қурол-аслаҳа сотиб олиб, мамлакатда давом этаётган жангга кириб кетади. Шундай қаҳрамонликлар кўрсатадики, овозаси подшоҳ онаси — Ҳумойга ҳам етиб боради. Ҳумой бу донги чиққан қаҳрамон йигитни кўрмоқчи бўлади. Аскарлар жангдан қайтганидан кейин уруш тафсилотларини таҳлил қилиш учун Ҳумой жабҳа кетаётган ерга яқин келади. Шунда узоқдан Доробни кўрсатадилар. Доробга кўзи тушган заҳоти кутилмаган ҳодиса юз беради. Навоий сўзлари билан айтганда: "Кўзи анга тушкач, қўнглига изтироб тушуб, эмчокига сут келди".

Шундан кейин она Доробдан бор гапни сўраб, билиб олади. Аниқ бўладики, бу — ўзининг ўғли. Она қилган ишига пушаймонлар еб, тахтни ўғлига топширади...

Ўз ўғлини танимайдиган онанинг неча йиллардан кейин уни кўриб қолганда кўкрагига сут келиши ҳодисаси "Тарихи мулуки Ажам"нинг яна бир ерида тилга олинади. Бу — кимсан — Искандари Мақдунийнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳикоя.

Навоийнинг ёзишича, тарихга оид китобларда Искандарнинг наслу насаби ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Муаррих Банокатийнинг талқинига кўра, Искандар — Бозур деган подшоҳнинг ўғли. Бозур Афлион деган подшоҳ билан ҳамиша адоватда эди. Мамлакатлар тинчлигини ўйлаб, улар ўзаро ярашадилар ва ана шу битимни исботи учун Бозур Афлионнинг қизига уйланади. Аммо кўп ўтмай саройдаги айрим бадниятли кишилар бир фитна билан Бозурнинг хотинига муносабатини бузадилар ва у ҳомиладор завжиясини отасиникига қайтариб юборади. Йўлда бир ҳодиса юз бериб, ҳомиладор аёл бир энага, бир атка (шаҳзодаларга тарбия берувчи эркак киши — отабек) ва бир хожасарой (бичилган ҳарам қоровули) билан қолади. Навоий давом этиб ёзади: "Иттифоқо, бир чоҳ (қудуқ) бошида вазъ ҳамл қилдиким (дард тутиб, бола туғилдиким), махуф (хавфли) манзил эрди. Ва анда қароқчи кўп элни ҳалок қилур эрди. Бу ҳолда йироқтин қалин қаро пайдо бўлди (яъни узоқдан бир тўданинг қораси кўринди). Алар ваҳмдин ул тифлни (чақалоқни) бир қийматий (қимматбаҳо) нимага (нарсага — матоҳга) чирмаб, ул чоҳ бошида қўюб қочтилар. Кўринган қаро худ дашт баҳойими (ҳайвонлари) эрмиш. Бори таоло (яъни Оллоҳ) бир сутлук ўчку (эчки) йибориб, амр қилдиким, ҳар кун келиб, ул тифлга сут берур эрди. Ва ул тифл Искандар эрди".

Шу тариқа ҳайвонларни қароқчилар деб гумон қилган она боласини ташлаб қочишга мажбур бўлади. Қайтиб уни ҳеч кўрмайди. Ноилож, дилбандининг тақдиридан ҳам тамом бехабар яшайди.

Эчки бир қари хотинники эди. Бир кун кампир эчкисини йўқотиб қўяди. Излаб-излаб қудуқ бошига келиб қолади. Кўрсаки, эчкиси бир қимматбаҳо матоҳга чирмаб қўйилган болани эмизиб ўтирибди. Кампир болани ўзига ўғилчилай олади. Улғайгач, уни подшоҳнинг ўғли ўқийдиган мактабга беради. Искандар у ерда аскарлик ва баҳодирлик касбини пухта эгаллайди. Кунлардан бир кун подшоҳ мактабдаги болаларнинг ҳисобини олмоқчи бўлади. У золим ва нодон ҳукмрон эди. Искандар бу юртни тарк этмаса, бўлмаслигини тушунади. Бошқа мамлакат сари кетаётганида хизматкори уни ухлатиб қўйиб, отинию қурол-аслаҳаларини олиб қочади.

Дуне эса тасодифларга тўла. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам одам билан юзлашади, дейдилар. Рост. Искандар пою пиёда юра-юра бир шаҳарга етиб боради. Бу она бобоси — Афлионнинг шаҳри эди. Афлионнинг қизи, яъни Искандарнинг "онаси қаср томида дашт сори тамошо қиладур эрдирким, Искандарнинг қаросини кўруб, меҳри ҳаракатга келиб, эмчокига сут келди".

Она бу ҳодисадан кучли ҳайратга тушиб, сўраб-суриштирса, Искандар ўзининг ўғли бўлиб чиқади. Афлионнинг ўғли йўқ эди. Шунинг учун у невараси Искандарга тахтини топшириб, ўзи тоат-ибодатга машғул бўлади...

Лекин ҳозир гап она меҳри ҳақида. Орадан йиллар ўтиб, вояга етган — йигит бўлган ўғлини бирдан кўриб қолган онанинг кўкрагига сут келадими-йўқми — буни илман аниқлаш тиббиёт фанининг иши. Шуниси ҳам борки, инсон — Оллоҳнинг чексиз имконияти фазилат ва ҳислатларга эга мўъжиз бир асари. Киши руҳию жисмида илм ҳам лол қоладиган не-не ғайриоддий, ғайриодатий ҳодисалар юз бермайди дейсиз. Шундай экан, неча йиллардан кейин кутилмаганда боласини кўриб қолган оналар қалбию руҳида, жисмию жонида фавқулодда ўзгариш юз бериши, табиий.

Бу суҳбатимиз ана шу она сутига бир беписанд муносабат ҳақида...

1993 йил апрелнинг бошларида Тошкентнинг Сиргали туманидаги туғруқхона қўшимча иморатининг тантанали очилиши маросими бўлиб ўтди. Сўзга чиққан бир нуроний отахон — Абдулазиз қори домла "Қуръон"и карим оятларидан тиловат қилишдан олдин бир муҳим масалани ўртага қўйдилар.

— Истаймизки, — дедилар у киши, — ана шу туғруқхонада ва мустақил Ўзбекистонимизнинг бошқа барча туғруқхоналарида ҳам бундан буён чақалоқларга оғиз сути берилсин! Гўдаклар туғилганининг дастлабки кунларидан бошлаб бировларнинг эмас, ўз онасининг сутидан баҳраманд бўлсин!

... Оғиз сути! Оллоҳ таолонинг бандасига инъом этган буюк неъмати бу. Бухоро ва Наманган тарафларда оғиз сутини "палла" (асли — "фалла") дейдилар. Бўзбола, бақувват, ўта соғлом, паҳлавон йигитларни кўрганда: "Бу палладан тўйган йигит экан", — деб қўядилар. Бу нима дегани? Шу деганики, агар бола туғилганидан кейин дастлабки кунларда ўз онаси сутини тўйиб эмса, бир умр соғлом бўлади.

Оғиз сутининг таркиби шу қадар фойдали моддаларга бойдирки, одамлар бузоқчаларнинг ризқини қирқиб бўлса ҳам, сигирнинг оғиз сутини ўта тансиқ таомлардан бири сифатида истеъмол қиладилар. Биласиз, қайнаганда суюқ сут ичида қуюқ бир палла пайдо бўлади. Эрталаб бир косагина ичиб олсангиз, куни билан тўқ юраверасиз.

"Ўзбекистон" ахборот дастурида Тошкентдаги бир гуруҳ олимлар оғиз сутининг бола ривожини учун ниҳоятда муҳим аҳамияти борлигини илман исботловчи тадқиқотни якунлаганлари ҳақида хабар берилди. Фаннинг исботига кўра, таркиби нуқтаи назаридан ҳеч бир сут оғиз сутининг кучига эга эмас экан.

Аммо неча ўн йиллар мобайнида туғруқхоналаримизда чақалоқларимизга биринчи кунлари онасининг сути эмас, аксинча, бошқа оналарнинг сути берилиб келди. Фарзанд кўрганига тўртбеш кун бўлган, демакки, оғиз сути аллақачон тугаган оналарга идиш тутқазиб:

— Қани, онажонлар, чақалоқлар учун бир ҳиммат қилиб юборинглар-чи! — дейишар экан, бир неча сути кўп онанинг сутини бир идишга соғиб, сўнг шишачаларга солиб, гўдакларга тарқатишар экан. Шу тариқа энди туғилган чақалоқ на ўз онасининг, на бошқа оналарнинг оғиз сутини истеъмол қила олади. Ҳа, туғруқхоналаримизда таваллуд топиши мажбурий ва ҳатто қонуний қилиб қўйилган (туғруқхонанинг маълумотномаси бўлмаса, болангизга гувоҳнома ололмайсиз) кейинги йилларда туғилган болаларимиз, яна ким билади, балки, дунёдаги энг буюк ризқлари — оғиз сутини ичишдан маҳрум этилган эдилар. Нимжону нимсилиқ одамларнинг кўпайганига бир сабаб шу эмасмикан?..

Бунинг мусулмончиликка тўғри келмайдиган иккинчи бир жуда емон тарафи ҳам бор. Ота-боболаримиз ҳаётлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Иззат Султон бир суҳбатда айтганларидек, илмий ҳақиқатлар асосига қурилган, илм билан оддий турмуш уйғунлашиб кетган эди. Ана шундай илмий турмуш ақидасига кўра, гўдак бошқа онанинг сутини эмса, энди бу бола ўша сут берган аёлнинг фарзанди билан турмуш қуриши мумкин эмас. Бу ҳам ўз туғишган укаси, е синглиси билан турмуш қургандай бир гап. Ҳозир ҳам баъзилар эмизган аёлни туққан онаси янглиг кўриб, уни ҳам ўз онаси каби "она" дейди. Қадимда сут эмишганлар аро ака-ука, опа-сингиллик, яъни қўкалдошлик жуда қадрланган.

Буни Навоий асарларидаги тасвирлардан ҳам топамиз. "Фарҳоду Ширинда Баҳром Фарҳодга қўкалдош, яъни улар ўзаро сут эмишган. Баҳром асарда илк бор тилсимли ойинада Ширинни ўзини кўргани воқеаси тасвирида тилга олинади. Эсингизда бўлса, ойинадаги тасвирда Ширин жамолини кўрган Фарҳод ҳушидан кетиб йиқилади. Бир кеча-кундуздан кейин ҳушига келганида эса бошида яқинлари, жумладан, вазир — Мулкоро ва унинг ўғли, Фарҳоднинг қўкалдоши — Баҳром ҳам йиғлаб ўтирган эдилар.

Ўлими олдидан эса Фарҳод шамол, яъни боди сабога илтижо қилади. Ундан Чину Хитойга бориб, яқинларига васиятларини еткаришини сўрайди.

Фарҳоду Ширининнинг охирроғида Баҳромнинг Арманияга лашкар тортиб келгани, Арманияда адолат ўрнатиб, лашкарларга жавоб бериб юборганию, ўзи Фарҳод қабри узра мужовир бўлиб қолгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Халқ эмишганликни ўта қадрлаганлиги учун ҳам Навоий Баҳромни Фарҳодга қўкалдош янглиг тасвирлайди. Қўкалдошлик қадимдан эмишганлар аро ўзаро турмуш қуриш ҳодисасига йўл қўймаслик учун ҳам шу қадар эъзозланган бир удум эди. Ҳатто бир аёл бир-бирига бегона икки хотиннинг боласини эмизди, дейлик. Энди ана шу уч онанинг фарзандлари ҳам ўзаро эмишганлар ҳисобланадилар.

Соғлом авлод учун ўзаро бир-биридан узоқ қонлар қўшилиши керак. Олтой халқида ҳатто қариндошлар аро турмуш қуриш у ёқда турсин, уруғдош кишилар ҳам ўзаро бир ёстиққа бош қўймайдилар. Яъни манғит манғитга, найман найманга, сарой саройга уйланмайди. Бизда эса баъзан бошқа уруғ вакилига қиз бермаслик ҳодисаси учрайди. Демак, олтойларда ҳар бир одам, ўз-ўзидан, қон жиҳати билан икки уруғнинг вакили ҳисобланади. Лекин уруғ белгилашда отанинг уруғи асос қилиб олинади. Корейсларда қариндошлар аро турмуш қуриш у ёқда турсин, ҳатто бир насабдаги (фамилиядаги) икки ёшга ҳам ўзаро бир ёстиққа бош қўйишга рухсат берилмайди.

Булар бидъат ёки шунчаки миллий анъаналар эмас. Бу қадимдан илмга асосланиб ҳаёт кечиришнинг оддий бир намунаси. Аммо биз кейинги ўн йилликлар мобайнида фан-техника инқилобини байроқ қилиб олган бўлсак ҳам, амалда кўп масалаларда илмий ҳақиқатларга хилоф йўллардан юрдик.

Энди очиқ айтинг: кейинги йилларда туғруқхоналарда таваллуд топган фарзандларимизнинг қайси оналарнинг сутини ичганини қай биримиз аниқ айтиб бера оламиз?!

Майли, ҳамма ҳам — Оллоҳнинг бандаси. Боламиз қайси миллат вакили сутини ичганининг ҳеч аҳамияти йўқ, ҳам дейлик. Бироқ, борди-ю, фарзандингиз шу шаҳар, қишлоқ ё маҳалладаги қай бир аёлнинг сутини истеъмол қилган бўлса-ю, йиллар ўтиб у ўша сутини ичган хотиннинг қизига ёки ўғлига қўнгил бериб қолса-чи? Буни сиз билан биз қаердан билиб ўтирибмиз? Бунда ўша ота-бобомиз илмга таяниб қаттиқ амал қилиб келгани удумни бузган бўламиз-ку! Удум бузилса, бузилибди-да, дерсиз? Лекин нега мазкур қоида бу қадар қаттиқ тутилган? Гап шундаки, ўзаро яқин қонлар аро турмуш қуриш натижасида туғилган боланинг ақлан ва жисмонан баркамоллиги хавф остида қолиши эҳтимоли бор. Буни фан ҳам, ҳаёт ҳам тасдиқлайди.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида бир туғруқхонада ва бир маҳалда дунёга келган, кўплаб оналар қатори бир-бирларининг волидаларидан сотиб олинган аралаш-қуралаш сутдан истеъмол қилган ҳамда буни мутлақо билмаган ҳолда ўзаро турмуш қурганлар йўқ орамизда, деб ким кафолат бера олади?

Хаёл яна тарих сари етаклайди кишини. Илмий асарларда: Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий билан қўкалдош, яъни эмикдош эди, — деган қайдга дуч келган бўлсангиз керак. Профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг айтишларича, Навоийнинг онаси Ҳусайн Бойқарони эмизган бўлиши керак. Навоийнинг ўзи тузган дастлабки девони — "Бадойиъ ул-бидоя"нинг Дебочасида келтирилган:

Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи, —

деган сатрлари ҳам шундай фикр юритишга асос беради. "Остон" остона. У "даргоҳ" маъносида келган. "Бу остон" деганда шоир темурийлар хонадонини кўзда тутган. Темурийлар билан Алишерлар хонадони ўртасида қўкалдошликнинг эса тарихи узоқ эди. Бу ҳақда Абдуқодир Ҳайитметов ва Марғуба Мирзаахмедовалар беш жилдлик "Ўзбек адабиёти тарихи"нинг Алишер Навоийга бағишланган иккинчи жилдида (1977) шундай ёзадилар: "Алишернинг ота томонидан бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмикдош бўлиб, Бойқаро мирзо ҳукмронлиги даврида Қандаҳорда амир бўлган. Демак, Алишернинг ота-боболари темурийлар билан эмикдош бўлганлар ва уларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлашга ёрдам бериб, улардан баъзиларининг ҳурмат ва ишончини қозонганлар".

Хуллас, улуғ шоҳимиз Ҳусайн Бойқаро билан буюк шоиримиз Алишер Навоий ўртасида фақат мактабдошлик, ёлғиз шоҳу вазирлик, биргина ўзаро дўстлик эмас, бевосита сут орқали ўтган қон жиҳатдан яқинлик ҳам бор эди ва буни улар бир умр қадрладилар.

Биз эса ана шундай мўътабар саналган қадриятимизни ҳам қарийб бой бериб қўйд к. Энди эса уни аслидагидек қайта тиклаш пайти келди. Ҳамма замонларда ҳам баъзи оналарнинг сути камлик қилиб қолиши, эмизикли онанинг касалланиши каби ҳодисалар бўлиб турган. Бундай маҳалда, албатта, эмизикли гўдаги бор бошқа бир она келиб, ўша сути кам ё дардманд онанинг боласини эмизган. Аммо энди катта бўлганидан кейин ўша болага уқтирилганки, у фалон аёлнинг сутини эмган ва ўша аёл бунинг учун она мақомида туради, унинг фарзандлари бунга ака-ука, опа-сингил янглиг бўлади. Ҳаётда мисоллар жуда кўп: эмишганлар ана шундай сут туфайли юз берган қариндошлик ришталарини узоқ йиллар мўътабар сақлайдилар, қўкалдошлар аро турмуш қуришга йўл қўймайдилар. Ҳозир ҳам айрим аёлларнинг сути кам бўлиши, саломатлиги боласини эмизишга йўл бермаслиги мумкин. Шундай маҳалда сути кўпроқ соғлом оналар ёрдамга келиши — буюк инсоний фидойилик ва бусиз ҳаёт бардавом бўлиши қийин. Аммо, энди, мана, мустақил бир давлат бўлдик, ўз ихтиёримиз ўзимизга ўтди. Шунинг учун бундан буён ана шундай бошқа аёлнинг эмизиши содир бўлганда туғруқхоналарда ўша аёлнинг манзили, исму насаби ўша сути кам онага расман ёзиб берилиши, унга таништириб қўйилиши шарт. Ота-бобомиз каби биз ҳам ўша қариндошлик ришталарини узмаслик тадоригини кўришимиз керак.

Бу шунчаки маънавий жиҳатдангина эмас, такрор айтилаётганидек, келажак авлодимизнинг қон мусаффоли-гига эри-шишимиз учун жуда-жуда зарур.

Султонмурод ОЛИМ.



Парвоз олдидан. Ш. ИБРОҲИМОВ тасвири.

«БИЗ МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИ ҲАМ БАЙРАМДА БЕЛИМИЗНИ МАҲКАМ БОҒЛАБ ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ»

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция генерал майори Комилжон ҒОФУРОВ билан мусоҳаба

— Комилжон Қодирович, бутун мамлакатимиз катта тантана — мустақиллигимизнинг уч йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Сиз бошқараётган жамоа байрам кунлари халқимизга қандай хизмат қилади?

— Биз аҳоли осойишталиги учун 31 август ва 1 сентябрь кунлари барча ҳузурҳаловатлардан "кечамиз". Байрамни ўтказиш ва жамоа тартибини сақлаш учун махсус режа ишлаб чиқдик.

Хабарингиз борки, тантаналарнинг асосий қисми 31 август куни Мустақиллик майдонида ўтказилади. Ўриндиқларнинг саноқли бўлганлигини ҳисобга олиб, театрлаштирилган томошаларга фақат рухсатномаси ва таклифномаси бор кишиларни қўямиз. Байрамга вилоятлар ва хориждан келган меҳмонлар ДАН ходимлари ҳамкорлигида Шароф Рашидов кўчасидаги назорат пункти орқали киритилади. Шаҳримиз туманларининг Ҳокимлар бошчилигидаги вакиллари эса "Нодирабегим" кинотеатри ёнидаги пунктдан. Байрамга чақирилган фуқароларимизга мурожаат қилиб айтамизки, таклифномаларининг орқа томонларидаги ёзувларга диққат билан эътибор беришсин. Жойлари 1—5 секторда бўлганлар "Тошкент" меҳмонхонаси олдидаги назорат пункти, 7—11 секторда ўтирувчилар эса Навоий ва Шароф Рашидов номидаги кўчалар кесишган жойдаги киритиш-назорат пунктидан томошаларга қўйилади. Тантаналар 1 сентябрь куни ҳам давом этади. Байрамни ўтказиш комиссияси томонидан тасдиқланган дастурга асосан Мустақиллик майдонидан ташқари Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий театри майдони, Сайилгоҳ, Анҳорбўйи кўчалари, Халқлар Дўстлиги майдони, Алишер Навоий мажмуи, Ўзбекистон миллий боғида оммавий халқ сайллари ўтказилади. Бу ерларда санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик дасталари, миллиймаданий марказлар қатнашчилари томошалар уюштириб, ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳримиз улкан театрга айланади. Бу эса милиция ходимларига катта масъулият юклайди. Бутун шахсий таркиб жамоат тартибини сақлашга жалб қилинади.

— Шу ўринда транспорт қатновини қандай йўлга қўйилиши ҳақида ҳам гапирсангиз?

— Бу борада аниқ режалар тузилган. Меҳмонлар ва аҳоли ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу куни транспорт қатнови бироз қисқартирилади. Метронинг "Мустақиллик майдони" бекати станцияси бекилади. Шунингдек, шаҳар марказидаги асосий кўчалар-нинг айримларида ҳам транспорт воситалари оқими вақтинчалик тўхтатилади.

Байрам иштирокчиларини ташийдиган барча транспорт шаҳар ички ишлар бош бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармаси ходим-лари томонидан обдон кўрикдан ўтказилди, йўлларнинг ҳолатлари ҳам текшириб чиқилди.

Хуллас, биз милиция ходимлари ҳам байрамни юксак савияда ўтказишни таъминлаш учун белимизни маҳкам боғлаб тайёргарлик кўраяпмиз.

"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири Мирза АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Комилжон Ғофуровнинг ушбу суҳбатини газетамизда кеча чоп этмоқчи эдик. Афсуски, шафқатсиз ўлим уни орамиздан олиб кетди. Ва мақола ўрнига таъзиянома чиқди. У ўз жамоаси билан Мустақиллик байрамига катта тайёргарлик кўраётган эди. Афсуски...

Энди унинг орзу умидлари, режалари шогирдлар, сафдошлар зиммасида, қалбида қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Котибияти ва касаба уюшмаси қўмитаси котибият ходими М. Ж. Ҳакимовага онаси

Обида САНОБАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бош бошқона бошқармасининг жамоаси Тошкент шаҳар хокимлиги ички ишлар бош бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори

Комилжон ҒАФУРОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади ва Аллоҳдан сабр-бардош тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги хизмати Тошкент Шаҳар ва Тошкент вилояти бошқармаси жамоа аъзолари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи милиция генерал-майори

Комилжон ҒОФУРОВнинг

бевақт вафотидан чуқур қайғуриб, марҳумнинг яқинларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори

Комилжон ҒОФУРОВнинг

тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар суди жамоаси Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

Комилжон ҒОФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институти жамоаси иқтисод фанлари номзоди, катта илмий ходим Г. Ғофуровага турмуш ўртоғи

Комил ҒОФУРОВнинг

тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари тижорат банкининг бошқарувчиси А. Имомхўжаевга падари бузруквори

Шамшиддин ҚОРАХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркор" акционер-тижорат банки жамоаси банкнинг бўлим бошлиғи С. Тоировга укаси

Қобилбек УМАРОВнинг

бевакт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда меҳнат жамоаси Марказий банк аппаратининг масъул ходими У. Умаровга падари бузруквори

Қобил УМАРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари иттифоқининг кенгаши жумҳурият доимий комиссияси раиси

Абдусаттор КАРИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ
●
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, "Халқ сўзи"), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, "Халқ сўзи"), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, "Народное слово"), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, "Народное слово"), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир —
А. Йўлдошев, навбатчи —
Г. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №0001 Буюртма Г. — 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2 Босишга топширилди — 02.20.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк турон» кўчаси, 41. 1 2 3 4 5 6 Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти — 21.00. 1 2 3 4 5 6